

Мансур Юнуснинг “Болалар тарбияси маданияти”

қўлланмасига тақриз

Ушбу қўлланма бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига бағишланган. Унда болалар тарбиясининг муҳим қирралари акс этган. Тарбиянинг энг муҳим масала эканлиги ҳамиша диққат марказида бўлиб келган. Аждодларимизнинг бу борада айтган фикрлари ҳамон ўз қимматини йўқотмаган. Жумладан, Абдулла Авлоний тарбия ҳақида шундай деган эди: “Ал ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”. Авлоний сўзларининг ҳеч бир замонда ўлмаслигини китобни ўқиб чиққан ҳар бир инсон ҳис этади. Асарда тарбиянинг ҳамма қирралари қамраб олинган: “Оилада бола тарбияси”, “Маҳаллада бола тарбияси”, “Боғчада бола тарбияси”, “Мактабда бола тарбияси”, “Болаларга тўғарақлар тарбияси”, “Театрнинг тарбиявий аҳамияти”, “Болаларга китобхонлик тарбияси”, “Болаларга саёҳат тарбияси”, “Болаларга мусиқа тарбияси”, “Болаларга спорт тарбияси”, “Болаларга сўзлашув маданияти”, “Болалар овқатланиш маданияти”, “Экологик тарбия маданияти”, “Оналар мактаби”, “Бувилар мактаби”, “Оталар ўғити”, “Интернет ва уяли телефон тарбияси” каби масалалар ёритилганки, улардан ҳар бир китобхон ўзига керакли маълумотни ола билади.

Мансур Юнуснинг ушбу китоби китобхонни зериктириб қўймайди. Чунки унда мавзуга оид шеърларни ҳам, ибратли фикрларни ҳам учратамиз. Бу шеърлар ва фикрлар бири-биридан қизиқарли тавсиялар, маслаҳатлар ва фахрияларга бой. Улардан айримларини фикримизнинг далили сифатида келтираамиз: “Фарзандларингизни касб-ҳунарга ўргатинг. Ҳунарли инсон хор бўлмайди. Ҳунардан ризқланаверади”. “Театр сахнасида қўйилган ҳар бир сахна асари негизида ибрат мактаби бор”. “Болаларнинг севимли эрмаги нима? Ўйинчоқлар. Болаларнинг севимли машғулоти нима? Китоб мутолааси. Бунга ўргатиш керак”. “Инсон бу дунёда буюк сайёҳдир. Саёҳатлар уни тарбиялайди ва манзилга етказди”. “Болаларни мусиқага қизиқтиринг. Мусиқага меҳр қўйган инсон ёвузликлардан узоқ бўлади. Ёмонлик қилмайди”. Кўринадики, ҳар бир жумла чуқур маънога эга, ўзига тортади.

Бу китобни ўқиш керак. Китоб барча соҳа вакиллари учун фойдали, унда керакли маълумотлар жамланган.

Саодат Султонсаидова

ЎзДЖТУ доценти, филология фанлари номзоди
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси